

# Qishloq hayoti

2009 йили Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

ISSN 2010-7021 O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz 2009 YIL 20 OKTYABR, SESHANBA, 122 (7583) - son 1974 yil 1 yanvardan chiqq boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Кўргазмада намоёниш этилаётган "Қишлоқ қурилиш банк" ва уй-жой қурилишида буюртмачи вазифасини бажарувчи "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси томонидан кўрсатиладиган хизмат турларида аҳолига имтиёзли кредитлар ажратиш, уй-жойларни "калит билан" топшириш шартлари асосида қуриш механизми иштирокчиларга кўрсатилмоқда.



Бозор иқтисодиёти шароитида мулкка бўлган муносабат ўзгариб бораётти. Мулкдорлар доимо фаолиятлари раванқ топишини, даромаднинг ошишини ўз олдларига мақсад қилиб қўядилар. Об-ҳавонинг ноқулай келиши, қутилмаган йўқотишлар, бахтсиз ҳодисалар мулк соҳиби ҳисобланган фермерларга қийинчилик тулдирди. Шундай пайтда "Ўзгросуғурта" деҳқоннинг ишончли ҳамкори, қафолатли кўмаклашди.



Оила аъзоларининг, энг аввало, унинг оstonасига қадам қўйиш бўсағасида турган ёшларнинг соғлом бўлиши, уларнинг саломатликлари ҳақида қайғуриш энг муҳим вазифалардан бири. Бу кўпгина ташкилот ва муассасалар, жумладан, Фуқаролик ҳолатлари бўйича далолатнома ёзиш бўлими ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

## ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ, ЭКСПОРТГА ЙЎЛ ОЧАДИ

Пойтахтимизда "Асл ойна" заводи ишга туширилди

Мамлакатимизда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаб, уларни замонавий технологиялар асосида қадоқлаб, чекки ва ташқи бозорга етказишнинг мўлқимор деҳқонларимиздан тортиб, уни қайта ишлабчиларга манфаатдордир.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар асосида Сурғали туманида ишиша идиш ишлаб чиқарувчи "Асл ойна" заводи ишга туширилди. Мазкур корхонада бир кеча-кундузда 150 тонна хомашё тайёрланиб, тивиз оқ ва рангли ишишдан йилга 124,6 миллион дона турли сивмдани қадоқлаш идишлари тайёрланади. Бу консерва, вино-ароқ, микер, шунингдек, ёғ-мой ва фармацевтика саноати маҳсулотларини харидор дидига мос ҳолда қадоқлашга хизмат қилади. Республикамыза олиб кириладиган ишиша идишлар импортини камайтиради.



Корхона маҳсулотлари рақобатбардош, юқори сифатга эга бўлишини Германиянинг "HEYE INTERNATIONAL GmbH" компанияси ўрнатган юқори технологик ускуналар таъминласа, мамлакатимизда ягона ҳисобланган энг такомиллашган ишиша пишириш қозони юқори самардорлиги билан бошқалардан ажралиб туради.

—Технологик жараённинг автоматика билан бошқарилиши, маҳсулотлар бир ма-

ромда, сифатли тайёрланишини таъминлайди, — дейди корхона бош технологи Рустам Тоиров. — Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида сифатли маҳсулот ишлаб чиқармайдиган корхонага ўрин йўқ. Биз, аввало, асосий эътиборни маҳсулот тайёрлаш жараёнига қаратяпмиз, маҳаллий хомашё ҳисобланган қум, доломит, оқ ва қалъий содаси завод учун муҳим материал ҳисобланади.

(Давоми 2-саҳифада)

## МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддасига мувофиқ сийёсий партияларнинг 2009 йил декабрда бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этишига доир ариза ва бошқа ҳужжатларини кўриб чиқди.

Марказий сайлов комиссияси аризалар тушиши тартибига кўра, 2009 йил 17 октябрда қабул қилинган 426 ва 427-қарорларига биноан Ўзбекистон Халқ-демократик партияси ва Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партиясининг, 2009 йил 18 октябрдаги 428 ва 429-қарорларига мувофиқ Тadbirkorлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси ҳамда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда қатнашишига ижозат берди.

Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига сайловда иштирок этиши тўғрисидаги қарорини маълумот учун қабул қилди.

(ЎзА)

## ЯРМАРКАГА МАРҲАМАТ!



Пойтахтимиздаги "Ўзэкспомарказ" павильонларида 20 октябрь кuni Халқро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси иш бошлайди.

Ушбу тadbirkor Президент Ислам Каримовнинг ташаббуси билан импорт ўрнини босадиган, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш, мамлакатимиз корхоналари ўртасида кооперация алоқаларини ривожлантириш, ички бозорда ўзимизда тайёрланган маҳсулотлар ҳажмининг, янги ички маҳсулотда саноат улушини кўпайтириш, шунингдек, аҳоли бандлигини ошириш мақсадида ўтказилмоқда.

Бу пайтга ярмарка ва биржа учинчи марта бўлиб ўтмоқда. Аммо аввалгиларидан фарқи ўлароқ, бу тadbirkorларга халқро мақоми берилди. Форумда иштирок этиш учун дунининг 50 дан ортиқ давлатидан 600 дан зиёд хорижий фирма ва компания вакиллари ташриф буюрди. Улар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларни хорижга етказиб бериш бўйича тегишли шартномалар тузди. Тadbirkorлар кўламининг бундай кенгайтирилиши Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрда қабул қилинган "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тadbirkorлари дастури тўғрисида"ги Фармони иқросини таъминлаш доирасида амалга оширилмоқда.

Халқро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси икки босқичда ўтказилмоқда: баҳорда биринчи босқичда тармоқлар бўйича кўргазма ва ярмаркалар, иккинчи босқичда Халқро тармоқларро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бўлиб ўтди. Бу тadbirkorлар доирасида мамлакатимизнинг етакчи саноат тармоқлари, корхоналар ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш секторлари бўйича намоёниш этмоқда.

Ташкилотчиларнинг сўзларига кўра, ярмарка ва биржа тармоқларро ва халқро кооперациянин аянда кенгайтиришга хизмат қилади. Ўзбекистон саноатчилари форумининг асосий вазифаларидан бири юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аянда кенг маълумот бериш, шериклар топиш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни етказиб бериш учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан хўжалик шартномаларини тузишга кўмаклашишидир. Корхоналар, саноат тармоқлари эътибларини баҳолаган ҳолда, ривожланиш истиқболларини олдидан аниқлаш, ишлаб чиқаришни режалаштириш ва буюртмалар портфелини шакллантириш имконига эга бўлади.

Халқро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасига марҳамат!

В.НИКОЛАЕВ,  
ЎзА мухбири.

Замонавий технология — давр талаби



## Кутининг муҳим воқеалари

Пойтахтимизда ўтказилаётган V Халқро замонавий саноат биеналеси доирасида "Замонавий саноат — танлаш стратегияси" мавзусида илмий анжуман ўтказилди.

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институтида ўзбек тилшунослигининг долзарб муаммоларига бағишланган илмий анжуман бўлиб ўтди.

Мирзачўл туманидаги "Чўлқувар" маданият саройида жойлашган ахборот-ресурс марказида Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилига бағишлаб "Муруватли бўлайлик!" ва "Мехр — кўзда" мавзуларида китоблар кўргазмаси бўлиб ўтди.

Денов туманидаги "Оқбулоқ-Денов" хусусий корхонаси қошида паррандачилик фабрикаси ташкил этилди. Бу ерда беш минг жўжа парвариш қилинмоқда. Фабрикада ўн киши иш билан таъминланди.

## 21 октябрь — "Давлат тили ҳақида" ги қонун қабул қилинган кун

## ТИЛИМ МЕНИНГ — ФАХРИМ МЕНИНГ

Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлигининг 20 йиллигига бағишлаб Урганч шаҳридаги 1-сон умумтаълим мактаби она тили ва адабиёти фани ўқитувчилари уюштирган кеча мазмунли ва юқори савидада ўтди.

Байрам кечасига ташриф буюрган ота-оналар, маҳалла фаоллари, фахрийлар, халқ таълими бошқармаси ходимлари тadbirkorнинг бевоқифа иштирокчисига айланишди. Барчага конвертда мақоллар, иборалар ёзилган карточкалар тарқатилди. Вазифанинг аҳамиятли томони шундаки, жавобларда икки хил кўриниш акс этиши, яъни ҳам ҳақиқий, ҳам кўчма маънодаги шарҳлар бўлиши лозимлиги айтилди.

— Қайсики миллатнинг тилини бойитувчи, эъзозловчи, ривожлантирувчи кишилари кўп бўлса, ўша миллат ўлмайди, давлат гуллаб яшайверади, истиқболи ва келажаги порлоқ бўлади, — деди "Тил бу истиқбол" иборасини шарҳлаган Урганч шаҳар халқ таълими бўлими

услубчиси Онабиби Саидова. — Алишер Навоий, Бобур, Огаҳий, Мунис, Феруз, Чўлпон каби буюк алломларимизнинг ижодини замондош шоир ва ёзувчиларимиз давом эттирмоқда. Улар тилимизга шундай кўрк берганларки, унинг қудрати йиллар ўтиб ошиб бораверади.

— Бугунги кунда муомала маданиятига болаларни ёшлигидан ўргатиш лозим, — деди олий тоифали ўқитувчи Хосият Эгамберганава "Тил — хатарли қурол" мақоласини шарҳлаган. — Чунки, ҳар не келса бошинга тилинганлар, де-

йилганида ҳам асос бор. "Тил бу фахр, тил бу ифтихор" иборасини шарҳлаган тadbirkor тил ва адабиёт ўқитувчиси Олтино Раҳимова жавоблари ҳам барчага манзур бўлди.

Саҳнага Алишер Навоий роллида чиқиб, буюк мутафаккир бобомизнинг газалларини маҳорат билан ўқийётган болаларни кўриб, Ўғилжон Абдуллаева, Мафтун Рўзметова-ларнинг ёзган шеърларини тинглаб, барча бирдек қувонди.

**Зухраҳон РЎЗМЕТОВА,**  
Хоразм вилояти халқ таълими бошқармаси бош услубчиси, Халқ таълими аълочиси.

## ОМИЛКОРЛИК ВА ТАЖРИБА САМАРАСИ

Бунда андижонлик фермерлар қўллаётган янги технологияларнинг ҳиссаси катта

Бугун Андижон фермерлари фаолиятига назар ташласангиз, уларнинг қайфиятлари баланглигига амин бўласиз. Зеро, яратилган пахта хирмонлари наннки қишлоқ мулкдорининг ҳам кўнгилларини шод этмоқда. Ана шу кўнгил ободлиги боис йилгим-терим мавсуми уюшқоқлик билан олиб борилмоқда, хирмон юксалмоқда. Мавжуд майдоннинг ҳар гектаридан ҳозиргача 28,4 центнердан ҳосил йилгим-терим олинди. Тайёрланган ҳосил салмоғида юқори нов кўпчилиги эъзига салкам 150 миллиард сўм даромад олинди.

Президентимиз қайси ҳудудда бўлмасин, деҳқонлар ва фермерлар билан ўтказадиган мулоқотларида, албатта гўза ва галла уруғчилигига муносабат билдирадилар. Дарҳақиқат, ҳар бир ҳудуднинг табиий иқлим шароитига мос уруғлик бўлсагина деҳқоннинг меҳнати юзага чиқади. Президентимизнинг айнаи бу борадаги мулоҳазалари ва таклифлари

асосида вилоят ҳокимлиги уруғчилик масаласига жиддий эътибор қаратди. Илмий изланишлар натижасида селекционерлар "Андижон-35", "Андижон-36", "Андижон-37" гўза навларини деҳқонларга халқда еттишти. Тажриба майдонларидан синов участкаларига йўл олган ушбу навлар аянда пишиқтирилди. Олинган натижалар ва ҳулосалардан сўнг вилоятнинг бир қатор ҳудудларига экилди. Ортиқча тарғиботсиз ва фермерларга берилган танлов имконияти "Андижон" туркумидаги гўза навларига табиий илтиш муҳитини ярата олди. Вилоят гўза уруғчилиги бирлашмаси тизимида "Андижон-35", "Андижон-36", "Ан-



дижон-37" гўза навлари бўйича элита хўжаликлари очилди. 2009 йили деҳқонлар эътиборига тушган нав уруғлари экилган далалар ҳажми 62 минг 172 гектарга етди. Айнаи вақтда ушбу навлар қўшни Фарғона ва Наманган вилоятлари фермерлари кўригидан ҳам ўтаёттир.

(Давоми 2-саҳифада)

## ОБУНА - 2010



## АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!

"Qishloq hayoti" ва унинг иловаси "Hayot" газеталарига 2010 йил учун обуна давом этмоқда. Обуна газета таҳририяти ва обуна уюштирувчи ташкилотлар томонидан нақд пул тўлови ёки пул ўтказиш йўли билан ҳамда пластик карточка орқали амалга оширилади.

**БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:**  
"Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргаликда — 144  
"Hayot" — 145

**Qishloq hayoti**  
Қишлоқ ҳаёти

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Агрисаноат комплекси таркибидagi ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар —

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги,  
"Ергеодезкадастр", Табиати муҳофазаси қилиш Давлат қўмиталари,  
"Ўздонмахсулот", "Ўзкимёсаноат", "Ўзгросуғурта", "Ўзвинёсаноат-холдинг",  
"Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжаликмашилизинг" компаниялари,  
"Ўзпахтасаноат", "Ег-мой ва озик-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжаликлари, "Ўзгағромушсервис", "Ўзгўштсаноати" уюшмалари, "Ағробанк",  
"Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки, "Гидрометеорология" бош бошқармаси,  
Агрисаноат ходимлари касба уюшмаси; Марказий кенгаши,  
"Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази

# ОМИЛКОРЛИК ВА ТАЖРИБА САМАРАСИ

Бунда андижонлик фермерлар қўлаётган янги технологияларнинг ҳиссаси катта

(Боши 1-саҳифада)

Булоқбоши тумани Жураполвон массивидаги "Рўзимухаммад Туланов" фермер хўжалиги раҳбари Рўзимухаммад Туланов билан суҳбатлашганимизда, у даласига "Андижон-35" гўза уруғи экиб, тўғри йўл тутганлигига кўп бор тўхтади.

— Бу йилги баҳордаги машаққатларни фақат меҳнат билан енгдик, — дейди қишлоқ мулкдори. — Кўчат сони ҳам гектарига ҳисобласангиз рисоладагидек эмасди. Ишлов билан гўзамизнинг қаддини тиклаб, ҳосилга киритиб олдик. Шўжри, бугунгача 32 центнердан ҳосил йиғиб-териб олдик.

Рўзимухаммад аканинг айтишича, жорий йилнинг 14 май куни кечда ёққан жала ва дўл деҳқонларни шошириб қўйди. Яганадан чиқиб, қаддини тиклаб шоналаш жараёнига кириш арафасида турган гўзалар ўта жиддий жароҳатланди. Дўл гўзаларни чўлга айлантди. Кучли жала эса эгалларни босди. Оз муддат эмас, 40 кундан зиёд деҳқон илоники офтобда бўлди. Кимдир таваккал иш тулиб чигитни қайта экса, бошқиси олсини тўлдирди. Қўйинки, гўза шу қадар қийналдики, бундан деҳқоннинг ороми йўқолди. Қатор ораларига тўтовсиз ишлов берилди. Гўзанинг буй олишига кўмак сифатида ОВХ лар ёрдамида суспензия сегилиди. Ҳар сувда шарбат ва чиринди оқизиш йўлга қўйилди. Харорат барқарорлашган, гўза чунонам ишлаб юбордики, ҳосил шохлари селекционерлар айтгандан зиёда қўсақ ола бошладди.

Расмий маълумот буйича, 14 май куни юз берган табиий офат тудайи вилоят буйича 5728 гектар майдонга гўза қайта экилди. Кўп қийинчилик тортган Олтинқўл, Избоскан, Қўрғонтепа, Хўжаобод туманлари пахтакорлари тўплаган мўл ҳосил замирида ҳам ана шундай машаққат ва тажриба буй кўрсатиб турибди.

Фермерлик ҳаракатининг муҳим жиҳатларидан бири — деҳқон онгига ҳосил миқдоридан кўра сифат биринчи ўринга чиқди. Шу тамойил асосида йиғим-теримда отряд усулини жорий этиш мақсадга мувофиқ деб топилди. Мана, учинчи мавсумки, вилоятда пахта йиғим-терими отряд усулида олиб борилаётди. Ҳар қайси фермер даласида йиғим-терим қачон бошланишини беш қўлдек билади. Биринчи терим бошланган жойда яна 15 ёки 20 кундан кейин иккинчи терим ўтказилади. Бу муддат ичида ҳар қайси фермер кўзги бошоқли экинлар экиш тадбиригизни кўради.

Шаҳрихон туманидаги "Азаматлик пахтакор ҳосили" фермер хўжалигининг пахта майдони 19,8 гектар. Биз ушбу фермер хўжалигида бўлганимизда мулкдор Камолитдин Аҳмадқонов биринчи теримда ҳосилдорлик гектар ҳисобида 41 центнер бўлганлигини айтиб берди. Биринчи теримни тутатган фермер даласига қўлтиривчи олиб кирди. Қатор орасига қўлтиривчи кириши билан гўзаларнинг томири қирқилди. Демак, қолган қўсақларнинг очилиши тезлашади. Майин тупроққа бугдой уруғи тушади. Экилган бугдойни суғориш билан дала дам олади. Отряд аъзолари эса кўшни икки фермернинг далаларида иккинчи теримни ўтказишади. Бу муддатда Камолитдиннинг даласи яна олпоқ пахтага бурканади.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасидан олинган маълумотга кўра, мавсумда 1262 та отряд фаолият кўрсатмоқда. Ҳар бир отрядга ўртача 79 гектар пахта майдони тўғри келади. Йиғим-терим баробарида кўзги бошоқли экинлар экиш ҳам охирида борапти. Терим биринчи бўлиб ўтказилган фермерларнинг далаларини бугдой майсалари тўла эгаллаб бўлди. Қайси бир фермер билан отряд усули ҳақида суҳбатлашсангиз, у беихтиёр ушбу янгиликнинг ҳосияти-

дан мамнулигини таъкидлайди.

2008 йили вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи, адлия маслаҳатчиси Бахтиёр Йўлчиев Марҳамат туманидаги "Баҳорий девони" фермер хўжалигида гўзаларни суғоришда магнитдан фойдаланиш буйича тажрибага қўл урди. Натига қўлтирилган зиёда бўлди. Фермер Лолахон Жураевнинг адир шароитида 40 центнердан ҳосилдорликка эришгани кўпчиликка тездаёқ маълум бўлди. Жорий йилда бу усулни ўз далаларида қўллашга киришган фермерлар сафи кенгайиб, 42 тага етди.

Бу мавсумда ҳам "Баҳорий девони"да шартнома режаси вилоятда биринчи бўлиб бажарилди. Хозиргача ҳар гектар ердан 33,2 центнердан биринчи нав пахта териб олинди. Бу шарномадаги нисбатан гектарига 6,3 центнердан қўшимча ҳосил деганидир.

18 октябрь ҳолатига суғоришда магнит усулини қўлаган 42 фермер хўжалигидан 41 тасида пахта тайёрлаш буйича шартнома режалари 100-140 фоизгача бажарилди.

Балиқчи туманидаги "Балиқчи сара уруғлари" фермер хўжалигида назорат тартибиде 16 гектарлик гўза майдонини суғоришда 20 килограмм миқдоридеги магнитдан фойдаланилди. Фермер Далӣқов Олимов олиб борган мониторинг натижалари тажрибанинг самарали яқин топганигини кўрсатиб турибди. Биринчи теримда ҳар гектар ердан 38 центнердан ҳосил олинди. Иккинчи теримда ушбу кўрсаткич 48 центнерданга етди. Шу хўжаликнинг оддий усулда суғоририлган далаларида эса ҳосилдорлик хали 40 центнерга етмади.

Олтинқўл туманидаги "Обод водий саховати" фермер хўжалигида биринчи теримда 41 центнердан ҳосил териб олинди, бу борада салмоқли натижа қайд этилди. 21 гектар гўза майдонига фойдаланилган

магнит миқдори кўпроқ бўлганлиги тажрибани янада оидинлаштирди. Фермер Кўчқоров Турдалиевнинг бу усулга қизиқиши ўта юқори. У ҳозир ҳосилдорликини 50 центнерга етказиб, туманда ҳаммасилар ўртасида карбонбошлик қилмоқда.

Гўзани суғоришда магнитдан фойдаланиш борасидаги тажрибанинг энг салмоқли рекорди Қўрғонтепа туманидаги "Оқ сув" фермер хўжалигида ўрнатилди. Фермер Алижон Аҳмедов назорат тартибиде 15 гектар майдондаги гўзани суғориш жараёнида 20 килограмм магнит ишлатди. Тупроғи гипсли, айни вақтда ер ости сувлари ўта яқин далада гўзанинг "Андижон-36" нави парваришланди. Йиғим-терим 3 октябрь куни тўртта отряд аъзолари иштирокида бошланди ва эртасига яқунланди. Ҳосилдорлик гектар ҳисобида 45,8 центнерга тўғри келди. Гапнинг лўндаси шухи, биринчи теримда бу қадар юқори ҳосилдорлик вилоятда ҳеч қачон бўлмаган.

Шу кунларда Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази Андижон вилояти бўлими доирасида олимлар ва селекционерлар, "Агрокимё" станцияси ҳамда "Сифат" маркази мутахассислари иштирокида экинларни, биринчи галда гўзани суғоришда магнитдан фойдаланишнинг афзалликлари таҳлили ўтказилмоқда. Тажриба олиб борилган гўза майдонлари минг гектардан зиёд эканлигини инобатга олсак, қизиқишимиз тобора ортиб бораётганлиги намойён бўлади.

Президентимиз ташаббуси билан Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йилда юртимизда улкан бунёдкорлик ишлари бораётди. Мана шу яратувчилик ишларида фермерларнинг ҳам иштироки кенгайиб бормоқда. Улар юқори ҳосилдорлик эвазига олаётган даромадларини юрт ободлиги, ҳамқишлоқлари фаровонлиги учун сарфлаётганлар. Эзгу ишлар йўлида меҳнат қилаётган фермерларнинг шашлари баланд. Улар вилоят пахта хирмонида 317442 тоннага етказишга азму-қарор қилишган. Демакки, Андижон далаларида шунга яраша ҳосил бор.

Кобилжон АСКАРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири

Андижон вилояти

### Муносиб тақдирланганлар

## МЕҲНАТДАН КЕЛГАН "ШУҲРАТ"

Асли андижонлик Соҳиба Юнусова Мирзачўлга катта ниятлар билан келганлардан бири. Чўлнинг ўзлаштириш, юртни обод этиш, оиласи, рўзғори учун даромад топиш иштиғи етаклаб келган уни бу жойларга.

— Ахир, Сиз дала кезмайсиз, кетмон чопмайсиз, шаҳарнинг муҳташам шифоналаридан бирида, соя-салқин гўшада...

— Тўхтанг-тўхтанг! — дея гапимни бўлганди у. — Олий ўқув юртини битирганлар ўзларини соя-салқинга ураверса, чўлқувар деҳқонларга ким хизмат қилади? Сизга айтсам, бу ерга келишимдан илгари Сирдарёдаги шаҳар шифонасида бир-икки йил ишлаб кўрганман...

Мана, етти йилдирки, Соҳиба Юнусова Мирзачўл туманидаги "Илак йўли" қишлоқ врачлик пункти мудири, умумий амалиёт враччи, 4325 аҳолининг сиҳат-саломатлиги учун врач Маҳкамбой Саримсоқов билан биргаликда маъсул.

Врачлик пунктида беморларни малакали доволашнинг барча шарт-шароитлари муҳайё. Ахир, республика "Саломатлик" лойиҳаси буйича қайта қурилиб, замонавий таъхис ва доволаш асбоб-ускуналари билан жиҳозланган маскан бўлгач, шароит ҳам биринчи даражада-да!

"Соҳиба — шифокорлар юлдузи. — дейишди чўлқуварлар. — Кундузи ҳам, тунда ҳам чўлқуварлар посбони. Энди эса унинг кўксига мамлакатимиз "Шуҳрат" медали порлайди".

Ха, Соҳибаюн қайнда шу муқофотга сазовор бўлди.

Мирзачўл тумани "Пахтазор" сувдан фойдаланувчилар уюшмасидаги "Наргиша" фермер хўжалиги раиси Нарзулла Умаров туманда фермерлик ҳаракати бошланган дастлабки йиллардаёқ 40 гектар ер олиб, ўз хўжалигини ташкил этган ва жамоаси билан ҳар йили пахта ва галладан мўл ҳосил этиштириб келаётган эди.

Бундан уч йил бурун улар бир неча бош сигир-буюқ, қўй-эчки олишиб, яна бир хазинали бўлишганди.

Чўлқуварлар пахта ва галла етиштириб, чорва боқиб ҳам кам бўлишмади. Даромадлари ортиди, обрўлари юксалди. Энг муҳими, жамоа аъзоларининг рўзғорлари тўқин ва фаровон

бўлди. Аста-секин кўнгилларида хўжалиklarини кўптармоқли хўжаликка айлантириш нияти туғилди. Паррандчилик йўналишидаги фермасини ташкил этишди ва яна бир хазина эшигини очиди.

— Тўғри, парранда парвариши — қўй-эчки ёки сигир-буюқ парвариши эмас, — дейди фермер. — Махсус тайёрланган ем, сифатли дон-дун берилиши, ветеринария хизмати доимий бўлиши, хуллас, нозик жиҳатлари анча. Шунга қараб иш қилдик. Дон корхонасидан олган ем-ларимизни бойтадиган озиқа экинлари етиштирдик. Ем таркибига қўшиш учун балиқ уни, шиша ва бошқа аралашмалар келтирдик. Ана шу ҳаракат ва интилишларимиз натижасида яхши фойда олиб, банк кредитимизни ҳам қайтара олдик.

Яқинда туҳумчилик йўналишидаги 8 минг бош жўжа келтирдик. Паррандахонами эса яна тўлди.

Шундай баракалар туфайли Нарзулла Умаров ҳам элининг, юртининг назарига тушди. Мустақиллик байрами арафасида ҳукуматимиз уни "Шуҳрат" медали билан тақдирлади.

Келдиёр ЖўРАКУЛОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Жиззах вилояти

## ИШДА ТАДБИРУ, ЭЛДА ҲУРМАТ ТОПДИ

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 18 йиллиги муносибати билан давлат хизматчилари ҳамда ишлаб чиқариш ва ижтимоий-иқтисодий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини муқофотлаш тўғрисида"ги Фармонига асосан "Шуҳрат" медали билан муқофотланганлар орасида Қарши туманидаги "Феруза" фермер хўжалиги раҳбари Шохидо Номозова ҳам бор.

"Феруза" фермер хўжалигини бундан ўн етти йил бурун турмуш ўртоғи Анвар Қўлдошев ташкил этган эди. Дастлаб 40 гектар майдонда фаолият бошлаган фермер хўжалиги аъзолари пахта ва дондан юксак хирмон кўтаришди. Шаҳрисабздаги наслчиликка ихтисослаштирилган МЧЖдан 50 бош қорамол келтирилиб, чорвачилик йўналиши буйича ҳам иш бошланди.

1993 йилда пахтадан 25 центнер, галладан 45 центнердан хирмон кўтарилди. Гўшт етиштиришда ҳам муайян кўрсаткичларга эришилди. 1994-95 йилларда пахта, дон, гўшт етиштириш 1-1,5 хиссага ортиди. 1996 йилда эса натижалар янада салмоқли бўлди. Ҳар гектар ерда пахтадан 30 центнер, дондан 50 центнердан хирмон кўтарилди. Давлатга 5 тонна гўшт сотилди. Ялпи даромад 40 миллион сўмни ташкил этди. Уша йили Анвар Қўлдошевнинг фидойи меҳнати давлатимиз томонидан муносиб таъкирланди, "Шуҳрат" медали билан муқофотланди.

— Бу кўнчили воқеадан Анвар акамнинг хурсандчилиги ичига сиғмас эди, — дея эслайди Шохидо Номозова. — Бироқ автохлоқат туфайли у қишдан эрта ажраб қолди. Тўрт нафар фарзандим билан нима ҳам қилишим мумкин, дея ўз-ўзимга савол берар эдим. Шунда ота-онам ва қайнонам менга далда бериш-

ди. "Ҳеч нарсадан чўчима. Биз боримиз. Анваржон бошлаган ишларни давом эттиришимиз керак", дея эртанги кунга ишончимни орттиришди.

Шохидо фермер хўжалиги бошқарувини ўз қўлига олар экан, астойдил ишга киришди. Қўйивчиликларни мардонзор меҳнат билан енгди. 2000 йилда 26 гектар майдонга пахта, 25 гектарга галла, 52 гектар майдонга беда экилди. Қорамоллар сони 100 бошга етди. "Муборак" қорамолчилик наслчилик хўжалигидан 300 бош қўй сотиб олинди. Ун бош от сотиб олиниб, йилликликка ҳам асос олинди. Уша йили қўрилган даромад фермер хўжалиги моддий-техника базасини мустаҳкамлашга йўналтирилди.

— Илгари "Янгибўғ" ММТПСидан шартнома асосида техника олиб фойдаланган бўлсак, эндиликда ўзимизнинг техника паркимизга эга бўлдик, — дейди Шохидо Номозова. — МТЗ-80, Т-28, "Олтой" тракторлари, қўлтиривчи, дон, чигит экиш сеякчаларини харид қилдик. Натига эса қўлтирилган ҳам зиёда бўлди. Сарф-харajat камайиб, даромадга даромад қўшилди. Биргина 2008 йилда давлатга қўзда тутилган 80 тонна ўрнига 100 тонна пахта сотдик. Ҳосилдорлик 40 центнерданга тўғри келди. Дондан ҳам юқори ҳосил олишга эришдик.

Қишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йилида хўжалик аъзолари 24 гектар майдонда



бугдойнинг "Умманка", "Чиллаки" навларидан мўл ҳосил етиштиришди. Ҳосилдорлик 65 центнерга етди. Пахта ва давлат гўшт топшириш режасини ҳам ортиги билан бажаришга енг шимарини.

Қўрилаётган соф фойда фермер хўжалигининг таракқиётга хизмат қилаётди. Унинг натижаси ўлароқ хўжалик ихтиёрида МТЗ-80 транспорт трактори, дон экиш сеякчаси, "Кир 1,5" ўт ўриш механизми бор.

Бахт ўз-ўзидан келмайди. Унинг замирида фидойилик, уйқусиз туналари ягона мақсад йилидаги захматли меҳнат мумассам. Фермер хўжалиги раҳбари, халқ депутати, туман Кенгаши депутати, "Шуҳрат" медали соҳиби Шохидо Номозова ҳам ана шундай замондошларимиздан бири.

Хусан ТЕМИРОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё вилояти

## ОБОД ҚИШЛОҚ ЛОЙИҲАЛАРИ

Улар қишлоқларимизнинг келажакдаги жамолини акс эттирмоқда



Пойтахтимизда жорий йилнинг 7-14 сентябрь кунлари бўлиб ўтган қишлоқ аҳолиси учун яқка тартибдаги уй-жойларнинг лойиҳалари ва қурилиш материалларининг ихтисослаштирилган кўргазмасининг ўзвий давомии сифатида ҳудудларда кўргазмалар ташкил этилмоқда.

Қишлоқ қурилиш лойиҳа ва қурилиш бошқармаси, "Қишлоққурилишлойиҳа" лойиҳа-қурилув институти, "Қишлоқ қурилиш банк" очик акциядорлик тижорат банки, "Ўзқурилишматериаллари" акциядорлик компанияси ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбир "Қишлоқ таракқиёт" ва фаровонлиги йили" Давлат дастурда белгилаб берилган устувор вазифаларнинг ижросига бағишланди.

Кўргазмада "Қишлоқ қурилиш инвест" инжиниринг компанияси ва тижорат банкларининг ҳудудий филиаллари, архитектура ва қурилиш бошқармаси ҳамда бўлимлари, электр тармоқлари, газ ва сув таъминоти корхоналари, қурилиш-пудрат ташкилотлари, маҳалла йиғинлари раис ва фаоллари катнашмоқда.

"Қишлоққурилишлойиҳа" институти томонидан вилоятнинг табиий-иқлим шароити, ижтимоий демография ҳусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилган уй-жойлар, ихтимоий-маданий, маиший объектларнинг янги намунавий лойиҳалари иштирокчиларда зўр қизиқиш уйғотмоқда.

Қўргазма

Рашид ГАЛИЕВ олган сурат. Тошкент вилояти

### ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ, ЭКСПОРТГА ЙЎЛ ОЧАДИ

(Боши 1-саҳифада)

"Асл ойна" заводининг ишга тушишида "Меҳнат" агрофирмаси мутахассисларининг хизмати беқийёс. Улар яқдиллик билан меҳнат қилиб, заводнинг биринчи маҳсулотини ҳаяжон билан қўздан кечирисаётганлигини кўрдик.

— Қурилиш жараёни осон кечмади, ҳукуматимиз томонидан кўрсатилган бегараз ёрдам туфайли ишлар ўз вақтида ниҳосига етди, — дейди "Меҳнат" ОАЖ раҳбари Ориф Исмомов. — Айниқса, Германиядан ташриф буюрган мутахассис ва муҳандисларнинг кўмағи беқийёс катта бўлди. Улар сифатли маҳсулот яратишда юқори технологик омилларга алоҳида эътибор қаратди.

Корхонада 190 та янги иш ўрни ажудга келди. Еш мутахассислардан 20 нафари Германиядаги энг замонавий шиша заводиде малакаларини ошириб қайтди. Завод маъмурияти ишчи-хизматчилар учун барча қулайликлар яратиш чораларини кўрди. Улар учун шинам ошхона, гигиена хоналари хизмат қилмоқда.

Республикамизда шиша идишлар ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ички бозордан ташқари экспорт қилишга ҳам имкониятлар яратади.

"Асл ойна" заводининг очилиш маросимиде Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари А.Арипов ва Германия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси биринчи котиби Кристман Нелль қатнашди.

Муфтилло ЮСУПОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Р.ГАЛИЕВ олган суратлар.

## Гурланликлар шижоати

Амалдаги йил баҳори об-ҳавосининг ноқулай келиши пахтакорларимиз омилиқорлиги ва шижоатини яна бир синовдан ўтказди. Кўпни кўрган, табият инжиқликларини бардош билан енгилга ўрганган деҳқонлар буларнинг барчасига тайёр турди. Айни кунларда Гурлан тумани далаларида бўлиб, қўлга киритилаётган ютуқлар билан танишган киши фермерларнинг омилиқорлиги ва жасоратига қўйил қолади.

— Вегетация даврида хароратнинг паст бўлганлиги сабаб кечикишни қоплаш мақсадида бир томондан парваришга зўр берилса, иккинчи томондан зараркунандаларга

қарши курашишга тўғри келди, — дейди биз билан суҳбатда туман қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими бошлиғи Куролбой ака Сафоев. — Лекин миришкорларимизнинг омилиқорлиги боис 11700 гектар гўза майдониде мўл ҳосил етиштирилиб, шу кунгача 32285 тоннадан зиёд пахта хомашеси тайёрланди ва режа ошириб бажарилди. Ҳосилнинг асосий қисми юқори навларга қабул қилинди.

Тумандаги шижоатли фермерлардан бири Эриммат Содиқовдир. У бошиқ "Эрмухаммад маҳсум" фермер хўжалиги аъзолари 141 гектар экин майдонининг 55 гектариде

гўзанинг "Меҳнат" навини парваришлаб, айни пайтгача 134 тонналик хирмон бунёд этишди. Тайёрланган ҳосилнинг 70 тоннаси уруғлик учун қабул қилинганлиги туфайли фермер бу йил фақатгина пахталикдан 100 миллион сўм даромад олишни кўзламоқда.

Жумабой ака Қозоқов раҳбарлик қилаётган "Умид" фермер хўжалиги аъзолари 28 гектар майдонга чигит қадаб, 75 тонна ўрнига шу кунгача 98 тонна пахта топширган бўлса-да, ҳали чаноқлардаги ҳосил киши ҳавасини келтирмади.

— Ихтиёримиздаги 26 гектар майдон ҳисобидан шу кунгача

110 тоннадан зиёд пахта ҳосили олдик, — дейди яна бир фермер Омонбой Матқурбоннов. — Бу йил баҳор салқин келгани билан сув мўл бўлди, минерал ўғит, ёниғи билан таъминлашларда узилшлар бўлмади, қуз кунлари ҳам кўнгилдагидек яхши кечмоқда. Худо хоҳласа, ҳосилдорлик мавсум охиригача гектар бошига 45 центнердан ошади.

Тумандаги "Рашид муҳандис", "Истиклол самар", "Евро СФ" фермер хўжалиқларида бўлганимизда ҳам қўшили кунлар қадрига етиб, етиштирилган ҳосилнинг миқдорлариниде нобуд қилмасдан, тезроқ саранжомлаш ишлари уюшқоқлик

билан олиб борилаётганлигига гувоҳ бўлдик.

СУРАТЛАРДА: Гурланлик фермерлар ўз даласида.

Холмурод ҚУРБОНОВ, "Qishloq hayoti" мухбири.

Хоразм вилояти





21 октябрь — "Давлат тили ҳақида" ни ҳаққун қабул қилинган кун

# «Қалдирғоч нусха» дўппи

ёки "Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли лугати" яратилиши тарихдан

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида иш бошлаганимда "Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли лугати" ни тузиш менга топширилди. Ўзбек тилига Давлат тили мақоми берилганлиги, Истиқлол шарафати билан қадрият ва аъноаларимиз тикланаётганлиги туфайли институт жамоаси шундай лугат тайёрлашни ўз олдиға мақсад қилиб қўйганди. Тақлифдан қанчаллик хурсанд бўлмайин, кўп ўтмай бу вазифанинг ўта қийин, мураккаблигини англаб етдим.

Ўзбекистон Давлат санъат музейида чорак аср ишлаб, шу соҳани тарғиб қилибману, унинг атамалари борасида тўлиқ тасаввурга эга эмаслигимни сездим. Бундан илҳомланиб киришганимдан сўнг билдим. Айни дамда санъат музейида ишлаётган илмий ходимлар, рассом ва халқ усталари, санъатшунослик илмий-тадқиқот институти ходимларининг айнан шундай лугатга талаб-эҳтиёжи катта экан. Таниқли мусаввирларимиз Чингиз Аҳмаров, Муборак Йўлдошев, Баҳодир Жалолов, Алишер

Мирзаев ва халқ санъати усталари билан суҳбатлашиб, соҳа атамаларининг турли жиҳатларини ўргандим. "Мусаввир" атамаси дастлаб Шарқда пайдо бўлган экан. Қадимда кўпроқ китобот санъати ҳисобланган миниатюрада, яъни мўъаз, нафис санъатда ижод қилишарди. Баҳодир Жалолов миниатюра услубида ижод қилаётган тасвир усталарининг тўғридан тўғри "мусаввир" деганимиз маъқул, деган фикрни билдирди. Буюк тасвир устаси Чингиз Аҳмаров кўпроқ миниатюра йўналишида ижод қилганлар.

Санъатшунос олим Абдулхай Умаров ҳар бир масалада атрофича мулоҳаза юритар эди. "Яхшилаб ўйлаб кўришимиз керак. Хатога йўл қўймаслигимиз зарур", дер эдилар. Чингиз Аҳмаров миниатюра санъатининг яловбардори сифатида кўп ишлар қилиб, катта-катта тасвирларда эл-юртга намоиш эдилар. Алишер Навоий музейи, метро бекати, театр биносидаги тасвирларини эсланг.

Излашлар, сўраб-суриштиришлар, илмий адабиётларга мурожаатлар ва бошқа саъй-ҳаракатлар билан беш йил ўтди. А.Умаров билан ҳамкорликда тайёрланган "Тасвирий санъат атамаларининг изоҳли лугати" "Ўқитувчи" нашриёти томонидан 1997 йили чоп этилди. Алишер Навоий асарлари учун чиқарилган лугатлардаги санъатга оид атамалар ҳам танланиб, лугатга киритилди.

Бундай китобларни чиқариш Мустақилликка қадар мушкул иш

эди. Суҳбатлар чоғида кўпни кўрган кишилар бу мавзунинг гоҳ у, гоҳ бу илмий ходим қўлга олиб, охирига етказолмаганини айтишди.

Лугатни тайёрлашда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, институтнинг тасвирий санъат бўлимини салкам қирқ йил бошқарган Абдулхай Умаров (охирати обод бўлсин) менга устозлик қилдилар. Атамалар устида бирга изланардик. Абдулхай Умаров тавсиясига кўра "Луғат дафтар" тутгандим. Ҳар сафар янги сўз топиб келиб, "ёзинг" дердилар. Бир кун бошимдаги дўппимга ишора қилиб: "Баҳор элчиси — "қалдирғоч нусха" Тошкент дўпписини кийиб юрибсиз", десалар бўладими? Шу тарихка дўппи нусхалари ҳам атамага киритилди. Сузук ота маҳалласида истиқомат қилаётган чевар Башорат Мирсултоновдан аниқласам, ҳақиқатан ҳам биз "Марғилон нусха", "Қаламлик нусха", "Бодом нусха" деб юрган тошкентликлар дўпписи дастлаб "Қалдирғоч нусха" деб аталган бўлиб, бу атама кейинчалик ёддан кўтарилиб кетган экан.

**Маҳмуд АҲМЕДОВ,**  
Ўзбекистон Бадий академияси ижодкорлар уюшмаси аъзоси, санъатшунос.



# СПОРТ

## "TASHKENT CHALLENGER -2009" ХАЛҚАРО ТУРНИРИ ЯҚУНЛАНДИ

Республика Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида бир ҳафта давом этган Challenger халқаро турнири яқунланди.

Жуфтлик баҳсларида ўзбекистонлик теннисчилар дуэти Денис Истомин ва Мурод Иноятов муваффақиятли иштирок этди. Финалда улар Йири Кршоко (Чехия) Лукаш Лашко (Словакия) жуфтлигига қарши кортга чиқиб, 7:6 (4) 6:4 ҳисобида ғалаба қозондилар. Денис Истомин яқиндагина Бельгиянинг Монс шаҳрида бўлиб ўтган халқаро турнирнинг жуфтлик баҳсларида ҳам Евгений Королев билан биргаликда муваффақият қозонган эди.



Маркос Багдатисга 6:3, 1:6, 6:3 ҳисобида имкониятни бой берди. Энди Денис Истомин Москва шаҳрида старт олган «Кремль кубоги»да иштирок этади.

## Гана нафақат "ўлим гуруҳи"нинг энг кучлиси, балки жаҳон чемпиони ҳам бўлди

Миср майдонларида бўлиб ўтган ёшлар ўртасидаги жаҳон чемпионати яқунланди. Мутахассисларнинг тахмининг тўғри бўлиб чиқди. «Ўлим гуруҳи» дея таъкидланган «D» гуруҳи ҳақиқатан ҳам энг кучли жамоаларни жамлаган бўлиб чиқди.



Уругвай, Ўзбекистон ва Англия билан бир гуруҳдан ўрин олган Гана ёшлар терма жамоаси финалгача етиб борди. Финалда кимсан Бразилия ёшлар терма жамоасига қарши уйнаган ганаликлар асосий ва қўшимча бўлимларда ўз дарвозалари дахлизлигини сақлаб, пенальтилар сериясида "сарик раңглилар"ни доғда қолдирдилар. Гана ёшлар терма жамоаси Қоҳира халқаро ўйингоҳида 67814 томошабин нигоҳида бир ўйинчи кам бўлиб (37-дақиқада Даниело Аддо қизил карточка олди) Бразилия ёшлар терма жамоасини энгди ва чемпион бўлди.

Таркибида Тейшера, Майкон каби ажойиб футболчиларни жамлаган Бразилия термаси Гана дарвозасини ишғол этганидан уйдасидан чиқолмади. Ҳамюртимиз Шерзодбек Каримов эса Гана дарвозасига тўп киритган биринчи футболчи бўлганди.

3-ўринлар учун бўлган ўйинда эса Венгрия ва Коста-Рика термаси ўзаро куч синашди. Айтиш мумкинки, ёшлар ўртасидаги футбол бўйича жаҳон чемпионати финал учрашувлари кескичлик борасида катталарникидан асло қолшмади. Бунинг 3-ўрин ағаси номи пенальтилар серияси орқали аниқлангани исботлаб турибди. 81-дақиқада дарвозасидан гол ўтказиб юборган Венгрия ёшлари ҳужумга эъриб, асосий вақтга қўшиб берилган дақиқаларда — 90+1-дақиқада ҳисобни тенглаштиришди, 1:1. Мусобақа низомига кўра 3-ўрин учун баҳсда қўшимча бўлимлар белгиланмади. Пенальтилар сериясида эса омад Венгрия ёшларига қулиб боқди. Улар лотореяда Коста-Рикани 2:0 га орта қолдириб, 3-ўринни эгаллади.

**ЖЧ 2010: қуръа натижалари маълум бўлди**

Кеча ФИФАнинг Цюрих шаҳридаги қароргоҳида 2010 йилда Жанубий Африкада бўлиб ўтадиган футбол бўйича жаҳон чемпионати бориш учун курашнинг давом эттириш ҳуқуқини қўлга киритган Европа жамоалари ўртасида қуръа ташлаш маросими ўтказилди.

Яъни ўз гуруҳларида иккинчи ўринни эгаллаган жамоалар жаҳон чемпионати бўлиб чиқилди. Фермерлар — танлов ғолиблари тақлиф қилинган лойиҳа маълумланганидан сўнг икки ой мuddатда "Агробанк" методикаси ва талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган Техникавий-иктисодий асосларни қўлларига оладилар, у кредит олиш учун Банка мурожаат қилишда тўла қимматли асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Бюроетларини "Илғор технологияларни жорий этиш Жамоат Фонди"га юбориш лозим: — почта орқали қуйидаги манзилга: Ўзбекистон Респуб-

ликаси Тошкент шаҳри 100060, Шаҳрисабз тор кўчаси, 8; — факс орқали (+998 71) 236-02-06; — электрон почта орқали: fund@mpc-tashkent.uz. Танлов координатори: Юсуф Носир Собирович. Менежер: Мустафаев Санжар.

Маълумот учун телефонлар рақами: (+998 71) 232-02-94; 236-02-06. Бюроетмалар уларнинг келиб тушишига қараб қўриб чиқилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг Тошкент шаҳридаги қонун ҳужжатлари йиғинида 2002 йил 25 июнда Тулбаева Севара Мардоновна номига берилган (руйрат рақами 218-Л) № КН 000643 рақамли диплом йўқолигини сабабли бекор қилинди.

ООО "НИКАЛ ELEMENT TAU" (ИНН 300977739), заргистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства Чилчарского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент Чилчар-7, 26, 58, ликвидируется (протокол собрания № 1 от 17 октября 2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 170-00-19.

ЧП "LOLA-OLT-TEKS" (код по ОКПО 12443908, ИНН 300902332), заргистрированное отделение государственной регистрации субъектов предпринимательства Чилчарского р-на г.Ташкента, расположенное по адресу: г.Ташкент м-в Чилчар-кв.л. 16, д. 17, кв. 120, ликвидируется (протокол собрания № 8 от 15 октября 2009 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев со дня опубликования объявления. Тел.: 276-03-58.

ООО "LADIKAL-BURAVIK-SERVIS" (ИНН 446228568) Чилчарского р-на г.Ташкента сообщает об уменьшении Уставного фонда с 228 000 000 сум до 2 000 000 сум. Тел.: 311-05-42.



## ОИЛА — ЖАМИЯТ НЕГИЗИ

Мамлакатимизда жамиятнинг асоси ҳисобланган оиланинг ҳар жиҳатдан баркамол бўлишига алоҳида аҳамият берилмоқда. Оила аъзоларининг, энг аввало, унинг оstonасига қадам қўйиш бўйсарида турган ёшларнинг соғлом бўлиши, уларнинг саломатликларига ҳақида қайғуриш энг муҳим вазифалардан бири. Бу кўпгина ташкилот ва муассасалар, жумладан, Фуқаролик ҳолатлари бўйича далолатнома ёзиш бўлими ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

2009 йилнинг ўтган даврида бўлимимиз томонидан берилган йўлланмаларга асосан тегишли тартибда тиббий қуридан ўтган 853 нафар фуқаронинг никоҳлари қонуний қайд қилинди, шунингдек, 1785 нафар чақалоқларга туғилганини тўғирсида гувоҳнома берилди.

Туман тиббиёт бирлишмаси тасарруфидига 25 та ҚВБлари, репродуктив ОИЛА маркази, Хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ЕИХ, халқ таълими бўлими, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари (оқсқол)нинг диний-маърифий, ахлоқий тарбия бўйича маслаҳатчилари билан ҳамкорликда "Оила дорилфунуни", "Еш оила қурувчилар мактаби" каби тадбирларни

мухтазам ўтказиб келаямиз. Уларда ҳуқуқшунос Ш.Ёшүзүкова, маҳалла маслаҳатчиларидан М.Уроқова, З.Раҳимова, Н.Ҳайдарова, Ш.Ашурова, М.Болтаева, туман имом хатиби Н.Жумаев, "Камолот" ЕИХ мутахассиси З.Рамзанонова, туман маънавият тарғибот бўлими раҳбари Р.Аслонов, ИИБ масъул ходими У.Саидов, Р.Шокирвалар иштирокда Президентимизнинг "Соғлом авлодни шакллантириш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш бўйича чоралар тўғрисида"ги, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Никоҳланувчи шакллари тиббий қуридан ўтказиш тўғрисида"ги қарорлари ижроси бўйича аҳоли ўртасида кенг қўламада тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Сановат касб-ҳунар, қишлоқ ҳўжалиги коллежлари, Афсона тиббиёт коллежи, Гулистон МФЙ, Варахша ҚФЙ, Камолот МФЙ, Пешку ҚФЙ, Спорт интернати, Хуррам МФЙ, Ўғлон МФЙ ва бошқа жойлардаги давра суҳбатлари савол-жавоблар тарзида ўтказилгани билан ажралиб турди ҳамда бу тадбирларнинг мазмуни бўлишига хизмат қилди.

**Нурсат ЖАХОНОВА,**  
Пешку тумани Фуқаролик ҳолатлари бўйича далолатнома ёзиш бўлими раҳбари.

Бухоро вилояти

## ИЛГОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЖАМОАТ ФОНДИ, "АГРОБАНК" ВА ФЕРМЕР ХўЖАЛИКЛАРИ УЮШМАСИ ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕРЛАРИ УЧУН ГРАНТЛАР ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Мақсадли грантларни (бегараз пуллик кўмак) олиш Танловда сабзавот, мева ва узумларни (очик тупроқда ва иссиқхоналарда) етиштириш учун замонавий аграр технологияларни жорий қилиш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш ниятида бўлган фермерлар қатнашишлари мумкин.

Танловда қатнашиш учун 2009 йил 15 декабригача Бюроетма юбориш лозим, унда фермер хўжалиги ҳақида асосий маълумотлар келтирилиши ва тақлиф қилинаётган лойиҳанинг қисқача таърифи ва унинг самарадорлиги кўрсатилиши керак. Алоҳида грантнинг миқдори

1,5 миллион сўм доирасида ўрнатилади. Ушбу пул маблағлари фақат келажакдаги инвестицион лойиҳанинг техникавий-иктисодий асослар учун ишлатилиши мумкин.

Техникавий-иктисодий асослар юқори малакали мутахассислар иштирокида ҳар бир фермер учун яқка тартиб-

да ишлаб чиқилади. Фермерлар — танлов ғолиблари тақлиф қилинган лойиҳа маълумланганидан сўнг икки ой мuddатда "Агробанк" методикаси ва талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган Техникавий-иктисодий асосларни қўлларига оладилар, у кредит олиш учун Банка мурожаат қилишда тўла қимматли асос сифатида хизмат қилиши мумкин. Бюроетларини "Илғор технологияларни жорий этиш Жамоат Фонди"га юбориш лозим: — почта орқали қуйидаги манзилга: Ўзбекистон Респуб-

<b>Бош муҳаррир</b> Чори ЛАТИПОВ	<b>МУАССИСЛАР КЕНГАШИ</b> Сайфиддин ИСМОИЛОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҲРИЕВ, Фуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илхом ҲАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахим БОЙМУРОДОВ, Муҳаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адибек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВ, Зийвуддин ОБИДОВ, Хасанжон УМАРХўЖАЕВ.	<b>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</b> Айгит АДИЛОВ, Гофир АЛИЕВ, Тўлган ҚАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Устас БАРНОЕВ, Утқар РАҲМАТ, Қошиқон МАМАЖОНОВ, Жуманиё ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам ҚОСИМОВ, Омонулло ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (масъул котиб).	<b>ТЕЛЕФОНЛАР:</b> Кабулхона — 236-58-83. Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 236-54-44, 233-28-04, Копибент — 233-95-17, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93. <b>ХУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР:</b> Коркент Республикаси — 585-18-12; Андижон — 224-99-13; Бухоро — 542-05-18; Жиззах — 368-61-16; Навоий — 224-69-08; Наманган — 224-81-69; Ферғона — 223-35-98; Самарқанд — 222-29-97; Сирдарё — 598-0-99; Тошкент — 100-29-61; Хоразм — 750-82-39; Қашқадарё — 221-59-40; Сурхондарё — 392-50-42.	<b>РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР</b> 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун бюроетчи жавобгар. Т-тикорат мақола.	<b>МАНЗИЛИМИЗ:</b> 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй	<b>Навбатчи:</b> АХЎБЕРДИЕВ Мусахўж; С.КОДИРОВ; Дизайнер: М.ШУКУРОВ
-------------------------------------	---	--	--	--	---	--

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган. Газета сешанба, пайшанба ("Жайт"-илова), жума кунлари чиқиди. Бюроетма Г-917, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Босишга топширилди вақти: 21.00 Босишга топширилди: 22.20 8897 нусха босилди. Нашр индекси — 144. Газета тахририятнинг ўзида компьютерда терилди ва сақталанди. "Шарк" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5